

АҲОЛИНИ МИГРАЦИОН ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ- ДЕМОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Абдуллаев А.Г.,

Болтаев Х.Э.,

Гулмирзаева М.А.

Урганч давлат университети,

Ўзбекистон

Аннотация: Изучено формирование миграционного движения в регионе под влиянием экономических, социальных и демографических процессов, а также влияние миграции населения на социально-экономическое и демографическое развитие.

Ключевые слова: миграционное движение, миграционный процесс, внутренняя миграция, внешняя миграция, коэффициент миграции, уровень миграции, миграционный оборот, интенсивность миграции.

Abstract: The formation of migration movement in the region under the influence of economic, social and demographic processes, as well as the impact of population migration on socio-economic and demographic development were studied.

Key words: migration movement, migration process, internal migration, external migration, migration rate, migration level, migration turnover, migration intensity.

Миграция жараёни аҳоли кўчиб келган ҳудуднинг ҳам, кўчиб кетган ҳудуднинг ҳам иқтиодий-демографик ривожланишига таъсир кўрсатади. Хусусан, аҳоли сонига ва унинг ёш-жинс таркибига таъсир кўрсатади. Бу ҳол ўз навбатида никоҳ ёшига ва оила қуришига, оиладаги фарзандлар сонига, яъни туғилиш жараёнига, оила мустақамлигига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатади. Шунингдек, аҳоли миграцияси меҳнат ресурслари шаклланишида ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига мажбур қилувчи сабаблардан энг муҳимлари иқтисодий-ижтимоий сабаблар, яъни ишсизлик, муносиб иш топиш, олий ва ўрта махсус маълумот олиш, яъни ўқиш ажралиб туради. Шунингдек, экологик вазиятнинг салбий таъсири, моддий, маданий-маиший шароитдан қоникмаслик ва ҳ.к.ларни санаб ўтиш мумкин. Демак, миграция жараёни турли хил омил ва сабабларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади.

Бугунги кунда миграциянинг иқтисодий аҳамияти ошиб бормоқда. Аҳоли миграциясининг сабаблари ва мақсадлари қуйидаги асосий омиллар таъсири остида шаклланмоқда: умумжаҳон жараёнларининг глобаллашуви; янги давлатлар мустақиллигининг кучайиши ҳамда минтақанинг ўзида юз бераётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ҳ.к.лар.


Қорақалпоғистондаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият бевосита аҳолининг миграцион ҳаракатига ўз таъсирини ўтказиб, унинг миграцион ҳаракатини фаоллаштирди. Миграцион ҳаракатнинг мутлақ кўрсаткичлари таҳлили кўрсатишича, 2020 йилда жами 20,2 мингдан зиёд киши ўз яшаш

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

жойини ўзгартирган. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 3,1 мартага, 2000 йилга нисбатан эса 1,5 мартага қисқарган. Бироқ, 2005-2010 йилларда минтақада миграцион ҳаракат яна фаоллашди. Бироқ, 2015 йилдан бошлаб минтақада миграцион ҳаракат кўрсаткичи яна пастка тушиб борди.(1-расм). Умуман, 1991-2020 йиллар мобайнида аҳолининг миграцион ҳаракати мутлақ сонларда 42,8 минг кишига(68%га) қисқарди.

Ўз навбатида аҳолининг миграцион ҳаракатини аниқлашда унинг интенсивлик даражасини, яъни ҳар 1000 кишига тўғри келувчи мигрантлар сонини баҳолаш илмий амалий аҳамият касб этади. Аҳолининг миграцион интенсивлигидаги ўзгаришлар ҳудудларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, бунда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити нисбатан паст бўлган ҳудуддан нисбатан юқори бўлган ҳудудга қараб ҳаракатланиши кузатилади. Миграция интенсивлиги жамият таракқиётининг прогрессив кўрсаткичларидан биридир. 1991-2020 йиллар минтақада миграция интенсивлиги ўзига хос тарзда ўзгариб турди. Хусусан, 2020 йилда миграция интенсивлиги 10,6%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда 48,9%га тўғри келган. Орадаги беш йилликларда миграция интенсивлиги баъзан қисқарди, баъзан эса кўтарилди. Масалан, 1991-1995 йилларда миграция коэффиценти 26,1%га, 1995-2000 йилларда 3,1%га пасайди. 2000-2005 йилларда эса миграция коэффиценти 10,1%га кўтарилди. 2010 йилдан миграция интенсивлиги яна қисқариб бормоқда. 1991-2020 йилларда минтақада миграция интенсивлиги 4,6 мартага қисқарди. Умуман, миграция интенсивлиги мамлакатимизнинг ўртача кўрсаткичидан юқори.



1-Расм. Қорақалпоғистонда аҳолининг миграцион ҳаракати динамика(киши)¹

2020 йил пандемия шароитида аҳолининг миграцион ҳаракати бироз пасайди. Ҳар 1000 та аҳолига нисбатан келган мигрантлар сони 4,1 кишини, кетган мигрантлар сони эса 6,5 кишини ташкил этди. Шу йили миграцион ҳаракат ҳисобига минтақа аҳолиси сони ҳар 1000 кишига нисбатан 2,4 кишига камайди. Ушбу кўрсаткични 1991 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, аҳоли сони 1000 киши ҳисобига 0,1 нафарга камайди. Хулоса қилиб айтилганда, 1991-2020 йилларда ҳар 1000 та аҳолига нисбатан келганлар 20,3 кишига, кетганлар эса 18,0 кишига пасайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида миграция интенсивлиги юқори бўлишига собиқ иттифоқнинг парчаланиши сабаб бўлган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида миграция ҳажми асосан ўз юртига қайтиб кетган турли миллат вакиллари ҳисобига шакллган бўлса, ҳозирги кунда миграцион ҳаракат минтақадан ташқарида ишлаб келмоқчи бўлганлар ҳисобига содир бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида минтақада миграция сальдоси фақат манфий кўрсаткичга эга бўлиб келмоқда. Миграция сальдоси 1991 йилда манфий 125 кишини ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич кескин кўтарилди ва манфий 5529 нафарни ташкил этди. Шунингдек, 2000 йилда миграция сальдоси манфий 3919 нафарга тенг бўлди. 2005 йилда аҳолининг миграцион ҳаракатида кетганлар келганларга нисбатан 2,7 мартага, 2010 йилда эса деярли 2 мартага кўп бўлди. Бу ҳолат эса миграция сальдосининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлди. Хусусан, 2005 йилда миграция сальдоси манфий 21,3 минг кишини, 2010 йилда 12,7 минг кишини ташкил этди. 2010 йилдан кейинги йилларда эса миграция сальдоси манфий 4-4,5 минг атрофида бўлди. Хулоса қилиб айтилганда, минтақада келганларга нисбатан кетганлар улуши доим юқори бўлиб келган. Охириги йилларда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги силжизлар аҳолининг миграцион ҳаракатини пасайтирмоқда.

Жами миграция айланмасининг асосий қисми(75,5%) минтақа ичида ҳаракат қилган аҳолига тўғри келади. Ваҳоланки, минтақа ичида аҳолининг миграцион ҳаракатланиши 1991 йилда 56,4%га тенг бўлган. Паст бўлишига сабаб, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли ташқи миграцияда фаол бўлган. 2000 йилга келиб эса яна минтақа ичида аҳолининг миграцион ҳаракатланиши фаоллашди ва 72,6%ни ташкил этди. 2010 йилда аҳолининг ташқи миграцияда иштироки юқори бўлгани сабабли минтақа ичидаги миграциянинг улуши пастга тушиб 59,8%га тенг бўлган. Бугунги кунда миграцион ҳаракатда иштирок этаётган мигрантларнинг ҳар тўрттадан учтаси ички миграцияда иштирок этмоқда. Ушбу миграция йўналиши туб аҳолининг ҳудудий силжишининг ошишига, аҳоли жойланишига ва ривожланишига хизмат қилмоқда.

¹ Қорақалпоғистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Қорақалпоғистонда ички миграциянинг фаол йўналиши бу қишлоқ-шаҳар миграцияси ҳисобланади. Қишлоқ жойларида иш ўринларининг етарли эмаслиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўз турар жойларидан туман марказларига ёки республика пойтахтига бориб ишлашга сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, миграцион ҳаракатда аҳолининг қишлоқдан-шаҳарга бўлган ҳаракати нисбатан барқарор жараён бўлиб келмоқда.

1-жадвал

Қорақалпоғистонда жами аҳоли миграциясининг ҳудудий таркиби, 2020 йил, киши

Худудлар	Миграция айланмаси	Миграция Сальдоси	Миграция коэффициенти	Миграция индекси
Қорақалп.	24223	-128	12,7	1,000
Нукус ш.	6,116	-44	19,1	1,504
Туманлар:				
Амударё	0,724	309	14,5	1,141
Беруний	1,700	103	23,4	1,842
Кегейли	0,916	-318	17,4	1,370
Мўйноқ	0,775	-146	13,8	1,087
Нукус	0,724	17	14,2	1,118
Тахтақўпир	1,195	-475	7,5	0,590
Тахиатош	0,950	-338	4,8	0,378
Тўрткўл	0,881	2220	4,6	0,362
Хўжайли	0,658	-582	16,4	1,291
Шуманай	1,318	-77	17,8	1,401
Қанликўл	1,183	-199	5,5	0,433
Қораўзак	1,983	-211	17,0	1,338
Қўнғирот	1,805	-139	14,7	1,157
Чимбой	1,501	-197	11,5	0,905
Элликқалъа	0,432	-1	1,4	1,102

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотларини муаллиф томонидан қайта ишлаш асосида тузилган.

Қорақалпоғистон ҳудудлари аҳолининг миграцион ҳаракати бўйича бир бирдан кескин фарқ қилади (1-жадвал). Ушбу жадвал асосида Қорақалпоғистон ҳудудларини миграция интенсивлигига кўра, қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ таркибига - миграция интенсивлиги юқори даражада бўлган Нукус шаҳри ҳамда Беруний, Шуманай, Кегейли, Қораўзак ҳамда Хўжайли туманлари кирди.

Иккинчи гуруҳ таркибидан - интенсивлик даражаси юқоридан пастрок бўлган Амударё, Қўнғирот, Элликқалъа, Нукус ва Мўйноқ туманлари ўрин эгалладилар.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Учинчи гуруҳ таркибига - интенсивлик даражаси минтақанинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлган Чимбой ва Тахтакўпир туманлари кирди.

Тўртинчи гуруҳни - интенсивлик даражаси жуда паст бўлган Эллиққалъа, Тахиатош, Тўрткўл ва Қанликўл туманлари ташкил этди.

Худудлар орасида миграция интенсивлик даражаси юқори бўлган худуд Беруний тумани, энг паст худуд эса Эллиққалъа тумани бўлиб, улар орасидаги фарқ 5 мартадан ортиқни ташкил этди.

Аҳолининг бундай миграцион ҳаракатидаги фарқлар худудларнинг ривожланиш даражаларига ҳам боғлиқ бўлиб, бунда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити нисбатан паст бўлган худуддан нисбатан юқори бўлган худудга қараб ҳаракатланиши табиий хол.

Миграцион жараёнда ҳаракат қилаётган мигрантларнинг жинс ва ёш таркибини ўрганиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: миграцияда иштирок этаётганларнинг деярли 70%га яқини эркаклар ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, мигрантларнинг ёш таркибини ўрганиш натижаларига кўра, уларнинг ярмидан ортиқроғи (51,5%) 15-29 ёш гуруҳидагилар, 24%ни эса 30-39 ёш гуруҳидагилар ташкил этди.

Маълумки, охириги йилларда Қорақалпоғистон аҳолисининг миграцион ҳаракатга бўлган муносабати анча пасайган. Бунга минтақада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишларнинг барқарорлашуви маълум маънода сабаб бўлмоқда.

Охириги йилларни ҳисобга олмаганда, Қорақалпоғистонда миграция жараёни кескин даражада салбий бўлган ва худудлар ўртасидаги тафовут катталашиб борган. Айниқса, минтақанинг Орол бўйига яқин туманларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу туманларда аҳоли сони ўсиши секинлашса, айримларида бу жараён турғунлашиб, баъзиларида эса камайиш ҳоллари сезилади. Айни вақтда жанубий туманларда миграция сальдоси салбий бўлса-да, у паст даражаси билан ажралиб туради.

Маълумки, ташқи миграция асосан иқтисодий сабаблар билан боғланган. Бундай миграция натижасида эришилган иқтисодий самара, мигрантлар даромадининг ошиши, ўз юртига юборадиган пул жўнатмаларининг кўпайиши шаклларида намоён бўлади.


Қорақалпоғистон минтақалар орасида ташқи миграция жараёни бўйича ўзига хос ўринга эга. Миграцион ҳаракатда келганларга нисбатан кетганлар улуши устун туради. Кетиш - мазкур худуд аҳолисининг миграция фаоллиги, келиш эса - худуднинг мигрантлар учун жозибадор эканлигини тасвирлаб беради. Миграция сальдосининг ҳажми (ижобий ёки салбий) миграциянинг ишчи кучи бозорини шакллантиришга бевосита таъсирини тавсифлайди. Айтиш жоизки, қолдиқ унчалик катта бўлмаганда миграциянинг таъсири бирмунча кўпроқ бўлиши мумкин. Бунга мазкур минтақадаги келганлар ва кетганлар таркибидаги фарқ (тафовут) таъсир қилади.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

2019 йилда ташқи миграцияда кетганларнинг келганлардан устунлиги 16,3 мартадан ортиқроқни ташкил этди. 1991 йилда кетганлар ва келганлар ўртасидаги нисбат сезиларли бўлмаган. Лекин, ҳажм жиҳатидан энг юқори бўлган. Хусусан, келганлар 9,9 минг нафарни, кетганлар эса 10 минг нафарни ташкил этган.

Мустақилликнинг дастлабки беш йилида минтақанинг ташқи миграциясида кетганлар келганларга нисбатан 4 марта, 2000 йилда 5 марта ортиқ бўлган. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан ташқи миграция жараёнида кетганлар сони 21,3 минг кишига етди. Келганлар эса 824 кишини ташкил этди. Орадаги фарқ деярли 26 марта. Худди шунингдек, 2010 йилда ҳам келганларга нисбатан кетганлар сони 20 мартага кўп бўлди. 2005-2010 йилларда аҳолининг ташқи миграцияси жуда фаоллашган давр бўлди. 2015 йилдан бошлаб ташқи миграция жараёнида кетганлар сони камайиб келганлар сони ортмоқда (2-расм).



2-Расм. Қорақалпоғистонда ташқи миграция динамикаси (киши)²

Қорақалпоғистонда ташқи миграция сальдоси манфий кўрсаткичга эга бўлиб келмоқда. Ташқи миграция сальдоси 2019 йилда манфий 3,4 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1991 йилда манфий 107 кишига тенг бўлган. 1995 йилга келиб миграция сальдоси кўтарилиб манфий 5,2 минг кишини, 2000 йилда манфий 3,1 минг кишига тенг бўлди. 2005 йилда ташқи миграция ҳаракатида кетганлар келганларга нисбатан 25,8 мартага, 2010 йилда эса 20 мартага кўп бўлди. Натижада миграция сальдоси кескин ошиб кетди. Хусусан, 2005 йилда миграция сальдоси манфий 20,4 минг кишини, 2010 йилда 12,2 минг кишини ташкил этди. 2010 йилдан кейинги йилларда эса ташқи миграция

² Манба: Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

сальдоси ўртача манфий 4-4,5 минг киши атрофида бўлмоқда. Умуман, ташқи миграция интенсивлиги 1991-2019 йиллар мобайнида 7,7 мартага камайди. Ташқи миграцияда ижтирок этаётган мигрантларнинг 98% МДХ давлатларига, қолган қисми эса узоқ хориж давлатларига тўғри келади. МДХ давлатларидан Қорақалпоғистонга келган ва кетган мигрантларнинг асосий қисми Қозоғистон ва Россия давлатларига тўғри келади.

Маълумки, Россия хозирги кунда МДХ давлатлари орасида мигрантлар оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- Россиядаги демографик вазият. Статистик маълумотларга кўра, Россияда туғилиш коэффициенти 12,6%, ўлим коэффициенти 13,8 ‰, табиий кўпайиш коэффициенти эса манфий 1,2% ташкил этди³.

- Россияни катта худуддаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши.

- МДХ давлатларидаги аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билиши ва тушуна олишидир.

Россия меҳнат бозорининг ҳажми улкан бўлиб, нисбатан юқори маош олиш имконияти, шунингдек, сўнгги йилларда миграцияга оид қонунчиликнинг либераллашганлиги хориждан ишчиларни жалб қилиб келмоқда. Меҳнат мигрантлари Россиянинг деярли барча худудларида ишламоқдалар. Улар асосан қурилишда, уй-жой коммунал хизматлари ва юқори малака талаб қилинмайдиган иш ўринларида ишламоқдалар⁴.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Ўзбекистон асосий ишчи кучи билан таъминлайдиган мамлакат бўлиб қолади, чунки бизда табиий ўсиш кўрсаткичи нисбатан юқори.

Минтақада яратилаётган янги иш ўринлари сони ишга муҳтож ишсизлар сонига нисбатан 3,5 мартага кам. Шунинг учун ҳам ишга муҳтож ишсиз аҳолини бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келади. Бугунги давлатлараро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгаллайди. Ҳозирги даврда аҳолининг яшаши учун иқтисодий омилнинг аҳамияти ортган. Минтақадан чиқиб кетган 125,9 мингдан ортиқ мигрантларнинг 86,7% ишлаш, пул топиш мақсадида чиқиб кетганлардир.

Миграцион ҳаракатни тартибга солишда тизимли ва мажмуали ёндашувлар зарур. Миграцияни тартибга солиш жараёни ҳамда миграцион оқим минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига мос келиши керак. Миграцион ҳаракат эркинлигини шахсий ўзбошимчалик ва шахсининг ҳар қандай муддатга ва ҳар қандай йўналишга тартибсиз стихияли миграция деб тушунмаслик керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш билан аҳолининг чет элларда ишлаш ва жаҳон меҳнат бозорларига чиқиш имкониятлари анча кенгайди.

³ Демографический ежегодник Узбекистана 2018г.” статистик йиллик тўплами маълумотлари.

⁴ “Вести. Ru.”

Маълумки, миграцияни ноқонуний ва норасмий турлари мавжуд бўлиб, бундай миграциялар иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Баъзан фуқаролар хорижда ишлашнинг қонуний йўллари бўла туриб, ноқонуний тарзда чет элга бориб ишлашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг баъзилари эса базан одам савдосининг қурбонига айланмоқдалар. Худудлардаги бандлик марказлари ноқонуний меҳнат миграциясига йўл қўймаслик, одам савдосининг олдини олиш, турли жисмоний ва юридик шахслардан чет элда ишлаш бўйича бўлаётган таклифларни аниқлаштириш ҳамда бу масалаларда аҳолининг кенг қатламлари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш катта амалий аҳамият касб этади.

Аҳолининг миграция жараёнида қатнашишини тўғри ташкил этиш иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Минтақаларнинг турлича ривожланганлиги, аҳолининг миграцион фаоллиги ошишига туртки бўлмоқда. Ҳозирда минтақадаги бандлик муаммоларини, аҳолининг даромади ва моддий фаровонлигини оширишга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4889-сонли Қарори. Тошкент. 2020 йил 11 ноябрь.
2. Abdullayev A.G., Avezov S.A., Gulimmatov I.B. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari fanidan amaliy mashg'ulotlar. Xorazm Ma'mun akademiyasi noshirlik bo'limi Xiva, 2020. – 80 b.
3. Абдуллаева М.Г. Пўлатова Қ.Д. Жобборов Б.Б. Орол ҳавзасидаги экологик муаммоларнинг географик жиҳатлари // “Орол ҳавзаси геоекологик муаммолар: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция Тошкент, 2019. – 44-47 б.
4. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – 223 с.
5. Ембергенов Н.Ж. “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар” г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2011. – 23 б.
6. Максакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. – Т.: Издательский дом “Эльдинур”, 2001. – 185 с.
7. Ходжаева Г.А. Особенности миграции населения Каракалпакии // Межвузовский сборник научных трудов, ТашГТУ. – Т., 1997. – 71-73 с.